

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ  
ТУЗУЛИМАСИНИНГ ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШДАГИ  
ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАРИ**

**Очилов И.Н.**

*ЎзР ЖХУ ҚТМТ кафедраси  
доценти, доцент, подполковник*

*Миллий Гвардия жамоат ва давлатнинг миллий хавфсизлигини таъминлашга, аҳолини турли хил террорчилик таҳдидларидан, жиноий ва бошқа гайриқонуний ҳаракатлардан ҳимоя қилишга, муҳим ва ўта муҳим тоифаланган давлат ва бошқа объектларни, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкани қўриқлашга, шунингдек, фуқаровий ва хизмат қуролларини муомаласи соҳасида назоратни амалга оширишга хизмат қилади.*

**Ш.М.Мирзиёев**

Сўнгги йилларда юртимизни ҳар жиҳатдан ривожлантириш, иқтисодийни модернизациялаш, дунёнинг ривожланган мамлакатлари қаторига олиб чиқиш асосий вазифа этиб белгиланди ва шу ўтган давр мобайнида изчиллик билан олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида кўплаб ютуқларга эришилди.

Албатта, бундай шароитда хавфсизлик масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратишни ёддан чиқармаслик лозим. Бугунги кунда Миллий Гвардия ва Ички Ишлар бўлинмалари олдига қўйилаётган асосий вазифа - бу жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашдир.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи устувор йўналиши – хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъкинлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритишдир[1]. Албатта, бугунги кунда Ҳаракатлар стратегияси доирасида олиб борилаётган ислохотлар натижасида мамлакатимизнинг хавфсизлиги янада мустаҳкамланиб бормоқда.

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида кенг қамровли ислохотлар жараёни олиб борилмоқда. Мамлакатимизда ҳам олиб борилаётган кенг қамровли ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири бу албатта, хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқдир.

“Хавфсиз шаҳар – хавфсиз мамлакат” концепциясини амалга оширишда энг аввало, ички ва ташқи ҳавф хатар ва таҳдидларларни бартараф этишга катта эътибор бериш лозим. Мамлакатнинг ички хавфсизлиги ва барқарорлигига

тахдид солувчи омилларга – жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг ошиб бориши, коррупция ва бошқа бир қатор омилларни келтириб ўтиш мумкин.

Албатта, бугунги кунда мамлакатимизда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш жараёнида давлатимизнинг мудофаа қудратини ошириш ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг салоҳиятини мустаҳкамлаш борасида ҳам муҳим ислохотлар жараёни амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида янги тузилма Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясини ташкил этилиши хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида муҳим қадамлардан бири бўлди.

Президентимиз таъкидлаб ўтганларидек, “Маълумки бугунги кунда биз “Хавфсиз шаҳар – хавфсиз мамлакат” концепцияси асосида юртимизда жамоат тартибини таъминлашга қаратилган ишларни амалга оширмоқдамиз. Шу муносабат билан мана шу янги тузилма, яъни Миллий гвардия ташкил этилди. Энди бундан буён ҳар бир шаҳар ва вилоятда хавфсиз ҳудуд лойиҳасини амалга ошириш, жамоатчилик тартибини сақлаш учун Ички ишлар вазирлиги билан бирга Миллий гвардия маъсул ва жавобгар этиб белгиланади. Бу вазифаларни бажариш учун Миллий гвардия жойлардаги давлат ҳокимияти идоралари, жамоат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликда фаолият олиб боради”[2]

Дарҳақиқат, бугунги кунда Президентимизнинг ташаббуси билан ташкил этилган янги тузилма Миллий гвардия мамлакатимизда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиб бормоқда.

Президентимиз томонидан 2018 йил 24 декабрда қабул қилинган 4075 сонли “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича чора тадбирлар тўғрисида” Қарори мамлакатимизда жамоатчилик хавфсизлигини таъминлаш ва содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг барвақт олдини олиш борасида ишларни самарадорлигини оширишга қаратилганлигидир.

Мамлакатнинг хавфсизлиги ва барқарорлигига таҳдид солувчи ташқи омилларга бугунги кунда мавжуд бўлган терроризм, эстремизм, наркобизнес ва ноқонуний қурол-яроғ савдоси ва бошқаларни келтириш мумкин.

Бугунги кунда томонидан мамлакатимизнинг хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш борасида Марказий Осиё минтақасида мавжуд бўлган турли хавф-хатарларни олдини олиш борасида Ўзбекистон давлатининг фаол позицияни намоён қилди. Чунончи, бугунги кунда давлатимиз Марказий Осиё минтақасидаги давлатлар билан “Яхши қўшничилик ва қардошлик ҳамда ўзаро тенг ҳуқуқли ҳамкорлик” асосида муносабатларни йўлга қўймоқда. Албатта, бу каби фаол позиция Марказий Осиё минтақаси хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилганлиги билан белгиланади. Чунки, минтақавий тинчлик ва барқарорликдан барча давлатлар бирдек манфаатдордир.

Демак, мамлакатнинг хавфсиз деб топилиши энг аввало ички ва ташқи хавфлардан ҳолилиги сифатида изоҳлаш мумкин. Умуман олганда, мамлакатнинг хавфсиз деб топилишини бир қатор кўрсаткичлар асосида баҳолаш мумкин бўлсада, умумий бир сўз билан ҳар бир инсонни ўз юртида, шаҳрида эркин яшаши ва фаолият юритиши, унга ҳеч қандай хавф-хатарлар таҳдид солмаслиги назарда тутилади.

2018 йил 7 майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хавфсиз шаҳар» лойиҳасини амалга ошириш бўйича босқичма-босқич чора-тадбирлар ва ягона технологик ёндашувни ташкил қилиш тўғрисида Қароризълон қилиниб, унга мувофиқ, “Хавфсиз шаҳар» тизимини яратиш, шунингдек, “Хавфсиз ҳудуд», «Хавфсиз туризм», «Хавфсиз дам олиш» кабиларни ҳам ривожлантириш кўзда тутилган [3].

Президентимизнинг 2018 йил 19 июндаги “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, 2018 йил 1 июлдан Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизими асосида «Хавфсиз пойтахт» концепциясини эксперимент тариқасида жорий этиш ва кейинчалик 2018 йил якуни бўйича ушбу амалиётни бутун мамлакат бўйлаб жорий этиш кўзда тутилган[4].

Албатта, бу тизим бугунги кунда амалиётга жорий этилиб, уни амалга оширишда Ички ишлар органлари ва Миллий гвардия саф бўлинмалари ўзаро ҳамкорликда самарали фаолият олиб бормоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида тинчлик, барқарорлик ва хавфсизлик борасида муҳим кўрсаткичларга эришилиб, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар миқдори кескин қисқарди. Натижада бир неча кўрсаткичлар борасида Ўзбекистон дунё мамлакатлари орасида туризм, инвестицион жозибадорлик, терроризм ва экстремизм хавфининг мавжуд эмаслиги кабиларда юқори ўринларга эга бўлди.

Жумладан, Бутун жаҳон Solo Travel Safety Report 2019 ҳисоботига кўра, Ўзбекистон ёлғиз сайёҳлар учун энг хавфсиз бўлган мамлакатлар рейтингиде 5-ўринни эгаллади.

Сафар учун энг хавфсиз мамлакат Сингапур бўлди. Шунингдек, Ўзбекистон билан бир қаторда биринчи бешликка Исландия, Норвегия ва Финляндия кирган.

Ҳисоботга кўра, 142 давлатлар аҳолиси ўртасида бир неча талаблар бўйича сўров ўтказилган. Саволлар улар тунги шаҳарда ёлғиз айланиб юрганларида ўзларини хавфсиз ҳис қилишлари, маҳаллий полиция ходимларига ишонишлари ва ўғирликка ёки босқинчиликка дуч келишлари ҳақида бўлган.

Бундан ташқари, саёҳат учун энг хавфсиз бўлмаган мамлакатлар ҳам эълон қилинган. Рўйхатда Венесуэла, Афғонистон ва Жанубий Судан етакчилик қилмоқда.

Шунингдек, Global Terrorism Index 2019 ҳисоботида кўра терроризм хавфининг мавжудлиги бўйича кўрсаткичларда Ўзбекистон 135-ўринни[5] эгаллаган ҳолда 0.019 баллга эга бўлган. Бу рейтингда терроризм хавфининг юқорилиги бўйича биринчи 5 таликни Афғонистон, Ироқ, Нигерия, Сурия ва Покистон эгаллаган бўлса, терроризм хавфи мавжуд бўлмаган давлатларнинг 5 – талигини Белоруссия, Гвинея-Бисау, Уммон, Гамбия, КХДР лар эгаллади.

Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси йўналишида

– жамоатчилик ва фуқаро хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Оммавий тадбирларни ўтказиш қоидаларига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида” қарори қабул қилинди;

– Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, Бош прокурори ва Миллий гвардия қўмондони республика ҳудудларида жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат органлари, ташкилотлар ва жамоатчилик тузилмаларининг фаолияти ташкил этилиши ва мувофиқлаштирилишини таъминлаш учун бириктирилди;

Ўзбекистон дунёнинг энг хавфсиз мамлакатлари қаторидан жой олиб улгурди.

«Global Terrorism Index - 2019» рейтингида терроризм хавфи даражаси бўйича Ўзбекистон 2018 йилга нисбатан ўз позициясини уч поғонага оширди ва 2019 йилда 132 ўридан 135 ўринга кўтарилиб, дунёнинг энг хавфсиз мамлакатлари қаторида қолди.

Рейтингдан дунёнинг 160 мамлакати терроризмнинг хавфлилик даражаси бўйича ўрин олган. Шунингдек, энг хавфсиз давлатлар қаторида Туркменистон ва Белоруссия (138 ўрин) тан олинган. Эстония 123 ўринни, Латвия 117, Литва 107, Озарбайжон 103, Грузия 90, Қирғизистон 87, Қозоғистон 85, Тожикистон 50 ўринни эгалламоқда. Россия Федерацияси эса террористик хавф бўйича 4,9 баллни қайд этиб, рейтингнинг 37 ўринини тўлдириб турибди.

Демак, бугунги кунда мамлакатимиздаги кенг қамровли ислохотларнинг устувор йўналишлардан бири хавфсизлик ва барқарорлик ҳисобланади. Чунки, жамиятда хавфсизлик ва барқарорлик таъминланган тақдирдагина, биз ўз олдимизга қўйган мақсадларга эриша олишимиз мумкин.

**Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида/Расмий нашр/ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: “Адолат”, 2018. –Б.5-6.
2. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. –Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. – Б.156-157.
3. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.05.2018 й., 09/18/343/1203-сон)
4. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.06.2018 й., 09/18/3786/1368-сон; 30.05.2019 й., 07/19/4343/3206-сон).
5. Institute for Economics & Peace. Global Terrorism Index 2019: Measuring the Impact of Terrorism, Sydney, November 2019. Available from: <http://visionofhumanity.org/reports> (accessed Date Month Year).